

1-26-2020

CHINA'S EXPERIENCE IN ORGANIZING COOPERATIONS IN FARMS

Asliddin Junaydullaevich Abdulloev

This article highlights the specific features of cooperative relations in agriculture, the need for their formation and development. It considers the ways of solving problems on the basis of the Chinese experience. In the future, the process of liquidation of farms will naturally continue to consider them in the development of the organization can be considered.

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Economics Commons](#)

Recommended Citation

Abdulloev, Asliddin Junaydullaevich (2020) "CHINA'S EXPERIENCE IN ORGANIZING COOPERATIONS IN FARMS," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 3 : Iss. 1 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

IQTISODIYOT

УДК: 631:332.133.44(575.146)

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРДА КООПЕРАТИВЛАРНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БЎЙИЧА ХИТОЙ ТАЖРИБАСИ

ОПЫТ КИТАЯ В ОРГАНИЗАЦИИ КООПЕРАЦИЙ ФЕРМЕРСКИХ ХОЗЯЙСТВ

CHINA'S EXPERIENCE IN ORGANIZING COOPERATIONS IN FARMS

Абдуллоев Аслиддин Жунайдуллаевич*БухДУ иқтисодиёт кафедраси катта ўқитувчиси***Abdulloev Asliddin Junaydullaevich***senior lecturer at the department of economics, BSU***Таянч сўзлар:** қишлоқ хўжалиги, кооперация, агросаноат мажмуи, хорижий инвестиция, ривожланаётган мамлакатлар, Хитой.**Ключевые слова:** сельское хозяйство, кооперация, агропромышленный комплекс, иностранные инвестиции, развивающиеся страны, Китай.**Key words:** agriculture, economy, cooperation, agricultural industry, foreign investment, developing countries, China.

Ушбу мақолада қишлоқ хўжалигида кооператсия алоқаларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг шаклланиши ва ривожланиши зарурлиги кўрсатилган. Унда Хитой тажрибаси асосида муаммоларни ҳал қилиш йўллари кўриб чиқилмоқда. Келажакда фермер хўжалиқларини тугатиш жараёни табиий равишда уларни ташкилотни ривожлантиришда кўриб чиқишни давом эттиради.

В статье освещены особенности кооперативных отношений в сельском хозяйстве, необходимость их становления и развития. Рассмотрены пути решения проблем на основе китайского опыта. В дальнейшем процесс ликвидации фермерских хозяйств, естественно, продолжится, чтобы их учитывать при развитии организации.

This article highlights the specific features of cooperative relations in agriculture, the need for their formation and development. It considers the ways of solving problems on the basis of the Chinese experience. In the future, the process of liquidation of farms will naturally continue to consider them in the development of the organization can be considered.

Кириш. Бугунги кунда дунё миқёсида қишлоқ хўжалиги тармоғини барқарор ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Бунинг ўзига хос сабаблари – асосан экологик ҳолатнинг бузилиши, унинг глобаллашуви жараёнининг жадаллашаётганлиги билан изоҳланади.

Шу нуқтаи назардан ҳам, қишлоқ хўжалиги барқарор ривожланишига эришиш, аксарият жиҳатдан қишлоқ хўжалиги ва ноқишлоқ хўжалиги тармоқлари давлат томонидан не чоғлик қўллаб-қувватланиши билан боғлиқдир.

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги тармоғида товар маҳсулоти ишлаб чиқарувчи хўжалик юритиш субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича дунё миқёсида тўпланган тажриба, амалга оширилаётган ишлар, ишлаб чиқилган турли дастурларнинг амалиётда жорий қилиниши натижаларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи-назардан ҳам, қишлоқ хўжалиги корхоналари билан биргаликда уларнинг таркибида ташкил этилган қўшимча тармоқлар фаолиятининг барқарор ривожланишига эришишда, авваламбор, ривожланган давлатларнинг бу соҳаларни қўллаб-қувватлашдаги тажрибасини ўрганиш муҳим манба ҳисобланади. Шу билан бир қаторда бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш орқали унинг қай даражада барқарор ривожланишига эришилаётганлигининг ижобий ва салбий томонларини, муаммо ва камчиликларини аниқлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси шароитларидан келиб чиққан ҳолда қўллаш бўйича амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этади.

IQTISODIYOT

Маълумки, фермер хўжаликлари олдида қўйилган мақсад сари ўз фаолиятларини амалга ошириш жараёнида иқтисодий-ҳуқуқий муносабатлар, таъминот ва хизмат кўрсатиш, шунингдек, экспорт-импорт масалаларида айрим муаммоларга дуч келадилар. Мазкур муаммоларни ижобий ҳал қилиш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёни давом этаётган давлатларда қишлоқ хўжалиги тармоғини имтиёзли тартибда кредитлаш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш тизимига хизмат қиладиган инфратузилма субъектлари - транспорт хизмати, маҳсулотларни хўл ва қуруқ ҳолатда сақлаш, қадоқлаш, ўраш, қайта ишлаш ва сотиш тизими корхоналарини ривожлантиришга эътибор қаратилаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ривожланган давлатларда фермер хўжалиги раҳбари ва аъзоларининг қобилиятини ривожлантиришга ёрдам беришга ихтисослашган «*таълим берувчи клублар*» фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, фермерларнинг ташаббуси билан бирор тур экинни парвариш қилишнинг мақбул агротехнологиясини ишлаб чиқиш ёки фермер хўжалигининг асосий фаолият турига турдош бўлган қўшимча фаолиятни жорий қилиш бўйича гуруҳлар «*таълим берувчи клублар*»да ташкил қилинади. Гуруҳ аъзолари мунтазам равишда далаларни кўздан кечирадилар ва агротехника ҳамда бошқарув масалаларини жойида муҳокама қиладилар [2].

Бу тоифадаги клублар фермер хўжаликлари ўртасида рақобатбардошликни кучайтириш мақсадида турли йўналишдаги сўнги янгиликлар ва ахборотлар тўғрисида маълумот олишга кўмаклашадилар, фермерлар иштирокида илмий ютуқлар, илғор тажрибалар муҳокама қилинадиган кўرғазмали семинар ва махсус курслар ташкил қиладилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу йиғилишларда фермер хўжаликлари қандай мавзуда маъруза эшитиш ёки кўрғазмали семинар ташкил қилиш масалаларини ўзлари мустақил ҳал қилишади. Бу клублар ўз иштирокчиларига маслаҳат сўраб мурожаат қиладилар, аммо якуний танлов доимо фермерлар ихтиёрида бўлади.

Европа мамлакатларида касбий таълим йўналишидаги қишлоқ хўжалиги мактаблари ҳамда таълим курслари фермерлар рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашнинг самарали йўли ҳисобланади.

АҚШ, Япония, Германия, Канада, Хитой, Франция ва Швеция каби қишлоқ хўжалиги соҳаси ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги мактаблари фермер хўжаликлари раҳбарларини эмас, балки қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича давлат хизматчиларини ўқитишади. Бундай мактаблар фермер хўжаликларига тегишли бўлиб, таълим сифатининг юқорилиги кафолатланганлиги сабабли ҳукумат органлари бу таълим турини доимий равишда қўллаб-қувватлаб келадилар.

Кооперация тизими жаҳон иқтисодий ривожланишининг ҳар бир босқичида ўз хусусиятларига эга бўлиб, улар кооперацияни ташкил этиш ва фаолият юритиш тамойиллари кўринишида намоён бўлади.

Бугунги кунда кооперация уч тамойилга таянади – ихтиёрийлик, дахлсизлик ва мулкдан ҳамкорликда фойдаланиш тамойиллари. Бугунги кунда Ғарбий Европадаги аксарият ривожланган давлатлар агросаноат мажмуи тизимидаги хўжалик юритувчи субъектлар – кичик ва ўрта фермер хўжаликлари, реал иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўрта корхоналар ўзларининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида ушбу тамойиллар асосида бирлашмоқдалар.

Иқтисодиётнинг инновацион ривожланиш йўлига кириш шароитида агросаноат мажмуи тизимида ташкил этилаётган кооперация тизимининг мақсади фермер хўжаликларига, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ишлаб чиқариш ҳажминини оширишга ва кооперацияга киришган субъектлар даромадини барқарорлаштиришга йўналтирилган фан ва технология соҳасида яратилган инновацион технологиялар, ноу-хау, инновацион лойиҳаларни, ташкил этиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, маркетинг ва менежмент соҳасидаги илғор ва замонавий усул, услуб ва механизмларни агросаноат мажмуи соҳасига жорий этишдан иборат. Шу боис, инновацион типдаги кооператив

IQTISODIYOT

муносабатларини қишлоқ хўжалигида шакллантириш ва ривожлантиришнинг объектив зарурияти юзага келмоқда.

Тарихий, амалий ва назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, кооперация бугун ёки кеча, ёки бўлмаса 100-300 йил олдин пайдо бўлган эмас. Ҳамкорликнинг бу шакли, анча олдин, Қадимги Египт, Вавилион, Месопотами, Қадимги Чин ва Ҳиндистон ҳамда Марказий Осиёнинг қадимги давлатларида эрампдан 2-2,5 минг йил олдин пайдо бўлган. Бу даврларда кооперация дастлаб меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг оддий ва асосий иқтисодий шакли сифатида шаклланган. Меҳнат тақсимотининг ривожланиши, йирик ишлаб чиқаришнинг шаклланиши, манафактураларнинг (А. Смит таълимоти бўйича), фабрика ва заводларнинг (Д.Рикардо таълимоти) пайдо бўлиши натижасида кооперация меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг асосий шакли ва усули бўлиб қолди.

Кооперациянинг ҳар бир иқтисодий формациядаги ўрни ва аҳамияти жаҳон иқтисодий адабиётида қадимдан олим ва файласуфлар (А. Симит, Д. Рекардо, В. Петти, Ж. Кейс ва бошқалар) томонидан асослаб берилган.

Кооперация тизимининг навбатдаги босқичдаги муҳим хусусияти бу ишлаб чиқаришдаги ҳамкорликни илмий асосда ташкил этиш ҳисобланади. Яъни, бугунги кунда кооперация энди анъанавий учта тамойиллар асосида эмас, балки тўртта - ихтиёрийлик, дахлсизлик ва мулкдан ҳамкорликда фойдаланиш ҳамда илмийлик тамойилларига таянган ҳолда шакллантирилмоқдаки, бу ҳолат кооперативларнинг инновацион қиёфасини яратишга имкон туғдиради.

Шу боис, XIX-XX асрларда кооперация борасида қабул қилинган қонун ва қонун ости ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга назар ташласак, юқорида таъкидланган кооперация тизимини ташкил этиш тамойиллари таъкидлаб ўтилганлигини кузатиш мумкин.

Ҳозирги кунда кўпгина ривожланган мамлакатлардаги қишлоқ хўжалик кооперативлари – бу иқтисодий мустақил фермер хўжаликларини ташкил этишдан иборат.

Ривожланган мамлакатларда иш юритаётган қишлоқ хўжалиги кооперативлари тажрибаси уларни ташкил этиш шакллари ва тузилмалари хилма-хил эканлигини кўрсатади. Аммо қишлоқ хўжалигини кооперациялаштириш ҳаракатининг ташкилий тузилмалар асосини бошланғич кооператив ташкилотларга шахсий аъзолик ташкил этади. Агросаноат мажмуаси доирасида иқтисодийнинг аралаш тармоқлари билан хусусий фермерлик ишлаб чиқариши ўртасидаги алоқаларни амалга ошира бориш кооператив бизнес тизимининг асосий бўғини ҳисобланади.

Тадқиқ қилинаётган мавзунини тўлиқ ёритиш ва ўз ёндошувини ишлаб чиқиш учун нафақат фермерлик ҳаракати ривожланган кўп йиллик тажрибага эга мамлакатлар тажрибасига, балки ривожланаётган мамлакатлар, жумладан Хитой тажрибасига муурожаат қилиш мақсадга мувофиқ.

Хитой қишлоқ хўжалигида 70-йиллар охири, 80-йилларнинг бошида бошланган ислохотларда қишлоқлар ва деҳқонлар бевосита иштирок этганлар. Ҳукуматнинг узок йилларга мўлжалланган, аниқ ҳисоб-китоб қилинган дастури йўқ эди.

Бу босқичда деҳқонларга, шунингдек уларнинг шахсий томорқалари учун эркинлик бериш ва фаолиятига аралашини камайитириш ғояси илгари сурилган эди. Бундай ёндошув сиёсати бир йилдаёқ ўз самарасини берди — меҳнат унумдорлиги кескин ошди ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайиб, товар-пул муносабатлари ривожланди. Келгусида тўпланган молиявий ресурсларни самарали йўналтириш ва ҳукумат томонидан қулай шарт-шароит яратилиши эвазига хўжаликларнинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамланиб, қишлоқ хўжалик корхоналари таркиб топди. Бу босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг янги аграр ва саноат технологиялари, маркетинг, бошқарув ва иқтисодий асосларига бўлган талаби фаол шакллана борди.

Давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларининг интилишини қўллаб-қувватлаш лозимлигини, ҳамда молиявий имкониятларни эътиборга олиб, турли дастурларни ишлаб чиқди. Дастурларнинг асосий мақсади, уларни ишлаб чиқишга илмий ходимлар ва амалиётчиларни кенг жалб этиш, маҳаллий ҳокимият ва марказий бошқарув органларини, шунингдек бу дастурларни амалга оширувчи махсус тузилмаларни ташкил этиш ва маблағ билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш бўйича аниқ йўналишлар белгилади.

IQTISODIYOT

Бу тузилмаларнинг асосий фаолият шакли янги технологиялар ва ишлаб чиқаришни жорий этиш бўйича билимларини ошириш, уларни амалиётга татбиқ этиш, шунингдек ички ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри йўлга қўйишда кўмаклашиш, ҳисоб-китоб, ҳисобот юриштиш, солиққа тортиш, хўжалик ҳуқуқи тўғрисидаги билимларини оширишдан иборат эди.

Дастурлар тўғрисида тўлиқ тасаввурга эга бўлиш мақсадида уларнинг асосий мақсади, вазифалари, эришган ютуқларини Хитойда ишлаб чиқилган ва амалда қўлланаётган «Хосюй» (бевосита таржимада «Искра») дастури мисолида кўриб чиқамиз.

1986 йилда бошланган дастурнинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги ривожланишини таъминлашда иқтисодиётнинг юксалишида муҳим роль ўйновчи фан-техника ютуқларини жорий этиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантириш ҳисобига эришишдир.

Дастурни амалга оширувчи ходимлар олдида жорий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ бошқа вазифалар ҳам қўйилди. Бу вазифалар кенг оммалаштирилмади. Аммо бу ўта муҳим ва долзарб вазифаларни ҳамда мавжуд имкониятларни, уларни ҳал этиш йўллари белгилаб олмай, кўзланган мақсадга эришиш мумкинми? Дастурни амалга оширишда иштирок этаётган малакали мутахассислар ҳамда уларни четдан жалб қилиш эвазига кўзланган мақсадга эришилди.

«Искра» дастурининг ютуқлари тўғрисида қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

Аҳамиятга молик иқтисодий самара. «Искра» дастури аввалам бор Хитой қишлоқларини замонавий техника билан қуроллантирган бўлса, фан-техника ютуқлари қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва қишлоқдаги ресурсларини ўзлаштиришда тутган ўрни қандай эканлигини кўрсатди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қўшимча қиймат кўпайишига ва меҳнат унумдорлигининг ошишига эришилди.

8-беш йилликда барпо этилган дастлабки 500 та намунали хўжалик иш фаолияти ва самараси бундай хўжаликларни зудлик билан ҳамма жойда ташкил этиш учун туртки бўлди. 1995 йилга келиб, Хитой уездларининг 85 фоизиди ушбу дастур у ёки бошқа даражада амалга оширилиб, мамлакатда 66 минг айнан шундай хўжалик фаолият юрита бошлади. Йил якунига бориб, уларнинг ярмидан кўпи кутилган натижани бера бошлади.

Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ривожланишига фан-техниканинг кўмаклашуви. «Искра» дастурига мувофиқ қишлоқ корхоналарининг муваффақиятли ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини технологик такомиллаштиришнинг муҳим шarti ҳисобланади. 1986 йилдан бошлаб «Искра» дастури доирасида Хитойнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарига ускуналар берилди, улар учун техник ва бошқарув кадрлари тайёрланди, илғор технологиялар тақдим этилди.

Бозорга йўналтирилган район аҳамиятига молик қайта ишловчи саноат билан уйғунлаштирилган қишлоқ хўжалиги техникаси базалари тузилди. Улар орасида муваффақиятли фаолият кўрсатаётган Чжэцзнь провинциясидаги Шаньюй ҳавони совутиш аппаратлари ишлаб чиқариш бирлашмаси, Хайнан провинциясидаги Хайкоу шаҳридаги консерва заводи ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ҳар бир корхонанинг ялпи маҳсулоти 100 млн. Юанни, даромад солиғи эса 10 млн.дан ортиқни ташкил этди.

Минтақавий иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш. Иқтисодиётни маҳаллий миқёсида кўтариш учун марказий бўйсунушда бўлган 29 та провинция, автоном туман ва шаҳарларда дастурга мувофиқ давлат аҳамиятига эга 127 та техника корхоналари зоналари, маҳаллий иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида 217 та саноат корхоналарининг таянч филиаллари қурилди. 1987 йилда маҳаллий туманларни комплекс ривожлантириш ва техника ишлаб чиқарувчи корхоналарни мувофиқлаштириш зоналари барпо этила бошланди.

Камбағал туманларда яшовчи аҳолининг турмуш даражасини ошириш. «Искра» дастурида камбағал, ривожланиш даражаси паст бўлган туманларда корхоналар қуришга алоҳида эътибор берилган. Дастурни амалга ошириш доирасида тез фойда келтирувчи ва юқори самарадорликка эга бўлган бир нечта қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди. Қишлоқ аҳолисининг даромадлари ортиб, уларнинг турмуш даражаси яхшиланди.

Қишлоқ хўжалигини фан-техника билан қуроллантириш. «Искра» дастурини амалга ошириш натижасида фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга муваффақиятли жорий этишга эришилди. У нафақат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини, балки ўз ичига

IQTISODIYOT

қишлоқ саноати, қурилиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ҳам қамраб олди. Биринчи навбатда «Искра» дастурини амалга оширишда бевосита ёки қисман иштирок этаётган илмий-техник ходимлар ва илмий-тадқиқот ташкилотларини моддий рағбатлантириш механизми ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Дастурни амалга ошириш жараёнининг кейинги босқичларида бу йўналишдаги ишларга устуворлик берилиб, илмий-техник ходимлар меҳнатини рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ташкилотларини моддий қўллаб-қувватлаш механизми такомиллаштирилди ва кучайтирилди.

Турли ишлаб чиқариш-тадқиқот бирлашмалари тузилди, илғор технологиялар ва маҳсулотнинг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Дастлаб амал қилиб келган давлатдан молиялаштириш ўрнига молиявий кўмаклашишнинг банк кредитлари орқали ажратилган.

Қайтарилмайдиган давлат маблағлари, жамоат ташкилотлари кредитлари, шунингдек айрим шахсларнинг маблағлари билан молиялаш каби янги механизмлари яратилди ва амалиётга жорий этилди.

Ҳамкорлик шаклларида келсак, унда пудрат, кооперация, ҳамкорликда маблағ киритиш, техникани пай асосида бериш каби турлари ва бошқа чора-тадбирлар қўлланилди. Турли даражадаги маҳаллий ҳокимиятлар фан-техника ташкилотлари, молия ва банк муассасаларини бирлаштирган ҳолда илғор технологиялар тармоғини туздилар.

Юқорида санаб ўтилган барча чора-тадбирлар пировард натижада:

- илм-фан-техника соҳасида меҳнат қилаётган ходимларнинг қишлоқларни иқтисодий қайта қурилишида қатнашиши учун зарур шароит яратилди;
- илмий-тадқиқот институти, лаборатория, лойиҳа конструкторлик бюрolari илмий ходим ва мутахассислари моддий манфаатдорлиги ортди;
- илмий-тадқиқот натижалари ва илмий ишланмалар натижаларининг амалиётга жорий этилиши такомиллашди;
- ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини жорий этишга қулай шароит яратиш имконини берди;
- ишлаб чиқаришга жорий этилаётган фан ютуқлари натижалари, лойиҳалар сони кескин ортди.

«Искра» дастурини амалга оширишда 1 млн. кишидан ортиқ фан-техника ходимлари бевосита ёки билвосита иштирок этди. Дастур объектларини техник қўллаб-қувватлашда қатнашган академик олий ўқув институтлари ва илмий-тадқиқот институтлари, йирик ва ўрта давлат корхоналарига қарашли тадқиқот ташкилотлари сони 10 минг кишидан ортиқни ташкил этди.

Қишлоқ аҳолиси касбий ва таълим даражасини ошириш. «Искра» дастурининг олдида қўйилган вазифалардан бири маҳаллий кадрларнинг касбий малакаси ва билимини ошириш вазифаси турган эди. Чунки, маҳаллий кадрлар касбий малака ва амалий кўникма ҳамда билим ва тажрибасини оширмасдан туриб, дастур мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мумкин эмасди. Кадрлар тажрибасини оширишга эришмасдан ва энг муҳими ўз билимларини доимо мустаҳкамлаш устида ишлашга ўргатмай, дастур вазифаларини амалга оширишнинг имкони йўқ эди. Ушбу дастурни амалга ошириш натижасида деҳқонларнинг замонавий агротехника ва илғор технологияларни қўллаш ва ўрганишига эришилди. Пировард натижада деҳқонлар орасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун фан ва техника қанчалик муҳим эканлиги тўғрисида тасаввур ҳосил бўлди.

Дастур асосида 1992 йилда малака оширган деҳқонлар сони 5 млн. кишидан ортган бўлса, 1995 йилда 8,81 млн. кишига етди. Кейинги йилларда бу кўрсаткич бир неча маротаба ортди. Дастур асосида Хитой қишлоқ ҳудудларида техник ва бошқарув ходимларини ўқитиш мақсадида давлат тасарруфида бўлган 40 та кадрлар тайёрлаш марказлари, 4 мингдан ортиқ тайёрлов пунктлари ташкил этилди.

Дастурни амалга ошириш даврида шаклланган кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизими тадбиркорлар, бозор иқтисодиёти учун кадрлар тайёрлашда муҳим роль ўйнади. Хитой экспертларининг фикрича айнан шу таълим дастурлари бўлажак бошқарувчи, менежерлар, бугунги кичик ва хусусий корхоналар раҳбарларига бозор муносабатлари асосларини ўргатиш учун асос бўлди.

IQTISODIYOT

Қишлоқ аҳолиснинг даромадлари кўпайди. «Искра» дастурининг амалга оширилиши натижасида қишлоқда хўжаликларни ихтисослаштириш ва модернизациялаш жараёни тезлашди, деҳқонлар даромадлари ҳам кўпайди.

Какослар ватани ҳисобланган Хайнан провинциясида 80-йиллар бошида какос ёнғоқлари ва ундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқариш 120 млн. юанга яқин ташкил этган эди. Аммо дастурни амалга ошириш давомида бу хўжаликларни ривожлантиришни кўзда тутган ҳолда какос шарбати ва 30 дан ортиқ номдаги какос маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Натижада ушбу провинцияда маҳсулот ишлаб чиқариш йилига ўртача 1 млрд. юандан ошиб кетди.

Хорижий инвестициялардан фойдаланиш. Жаҳон банки Шанхайдаги Цзянсу ва Цзилинь провинцияларида жорий этилган «Искра» дастурини қўллаб-қувватлаш мақсадида 110 млн. АҚШ доллари миқдорига кредит ажратди. Ушбу банк илғор бошқарув усулларида фойдаланишда яхши иқтисодий самара берди ва халқаро молиявий ташкилотлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилишга асос солди.

Сўнги йилларда дастур асосида жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга кўмаклашувчи турли тадбирлар ўтказилди. Халқаро симпозиумлар ишида қатнашиш, халқаро кўргазмалар ташкил этиш, маърузалар ўқиш ва техник маслаҳатлар бериш учун Хитойга хорижий мутахассисларни таклиф қилиш, шунингдек хориждан илғор техникалар олиб кириш, ахборот алмашиш шулар жумласидандир.

Қишлоқ товар ишлаб чиқарувчиларига билим даражасини ошириш, маслаҳат ва жорий этиш хизматлар кўрсатиш бўйича кўмаклашишга доир хитой тажрибасини чуқур таҳлил қилишни ўта муҳим ва зарур деб биламиз, чунки ундан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш мумкин.

Сўнги йилларда Ўзбекистонда ўтказилган фермер хўжаликларини оптималлаш-тириш жараёни нафақат ер участкаларини оптималлаштириш, балки шаҳодатлаш тадбири ҳам бўлди, пировард натижада фаолиятини давом эттира оладиган хўжаликлар танлаб олинди. Келгусида фермер хўжаликларни тугатиш жараёни табиий равишда давом этиши эътиборга олинадиган бўлса, уларни шакллантиришни ташкил этиш деб ҳисоблаш мумкин.

Мақбул ўлчамдаги экин майдонларига эга фермер хўжаликлари яхши иқтисодий натижаларга эришиш учун қулай шароит ва имкониятларга эгадирлар. Бу ўз навбатида ўзларида мавжуд бўлган захира ва имкониятларни ишга солиб, янги технологияларни жорий этиш эвазига ишлаб чиқаришни юритишда кўзланган мақсадга эришадилар.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари ва қишлоқ тадбиркорларига бухгалтерия ҳисоби, ҳисобга олиш ва ҳисобот хизмати кўрсатиш марказларини тузиб, яқин келажакда истеъмолчиларнинг талабларига мувофиқ уларни янада кўп қўламли хизмат турлари билан кенгайтиришни эътиборга олиш лозим. Бундай вақтда Хитой тажрибасидан фойдаланиш яхши фойда беради.

Бундай кўп қиррали хизмат турини кооперация принциплари асосида ҳам ташкил этиш мумкин бўлиб, бунда бухгалтерия ҳисоби, ҳисобга олиш ва ҳисобот хизмати кўрсатиш кооператив фаолиятининг бир йўналиши бўлиши мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Farmoni "O'zbekistonda fermerlik faoliyatini tashkil qilishni yanada takomillashtirish va uni rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'ri-sida". 2012 yil 22 oktyabr. Xalq so'zi gazetasi. 2012 yil 23 oktyabr. - № 208 (5628). - 1 b.

2. **Golebiewska, Barbara.** Premier intensity of production organisation in farms with diversified relations to their environment in Poland. Economic Science for Rural Development Conference Proceedings. 2012, Issue 29, p 84-88. 5 p., ISSN: 1691-3078. Номер доступа: 77484005. База данных: Academic Search.<http://web.a.ebscohost.com/ehost/detail/detail?vid=27&sid=c12846f0-8c39-4e2a-b27c-5b4d311c133%40sessionmgr4006&hid=4212&bdata=Jmxhbm9cnUmc2l0ZT1laG9zdC1saXZl#AN=77484005&db=aph> [02.07.2016].

3. **Husanov R.H.** Qishloq xo'jaligida kooperatsiyalashning ilmiy-amaliy asoslari va o'ziga xos xususiyatlari. O'zBIITI, ilmiy-amaliy konferentsiya ma'ruzalar to'plami, 14-15 noyabr 2008 yil. - 10 b.

4. **Xushmatov N.S., Murodov Sh.** Qishloq xo'jaligida kooperatsiya tamoyillarini joriy etish imkoniyatlari va asosiy yo'nalishlari. O'zBIITI, ilmiy-amaliy konferentsiya materiallari. 14-15 noyabr, 2008 y. - 5 b.